ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01133

ҚУШЛАРНИ ИҚЛИМЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИШЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАҲЛИЛИ

Соҳиба Уктам қизи Ибрагимова
Урганч давлат университети ўқитувчиси
ibragimovasohiba94@gmail.com

Хулкар Мадраҳимовна Бобожонова
Урганч давлат университети ўқитувчиси
bobojonovaxulkar44@gmail.com

Дилнурахон Давронбек қизи Ўринбоева
Урганч давлат университети ўқитувчиси
urinboyevadilnura@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу тезисда Африка қора туяқушини иқлимлаштириш жараёнлари ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Африка қора туяқуши, акклимитизация, анъанавий чорвачилик, фермер хўжалиги.

GENERAL ANALYSIS OF THE WORK DONE IN THE FIELD OF ACCLIMATIZATION OF BIRDS

ABSTRACT

In this thesis, informatin has been given about acclimatization processes of the African black ostrich.

Keywords: African black ostrich, acclimatization, animal husbandry, farming.

КИРИШ

Олимларнинг айтишича, ер юзида туяқушлар бундан 12 млн. йил олдин пайдо бўлган, бу динозаврлар даврига тўғри келади. Туяқуш парлари билан савдо қилиш минглаб йиллик тарихга эга бўлиб,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01133

Мисрликлар, Ассирияликлар ва Вавилонликларнинг қадимий цивилизациясига бориб тақалади. Улар, шунингдек, гўшти ва жангчиларга кийим тикишда ишлатиладиган териси учун овланган. Туяқуш тухумларидан қадимий Ассирияда суюқликларни сақлашда идиш сифатида фойдаланилган. Юқоридагиларга кўра, туяқушлар эрамиздан олдин ҳам бир қатор мамлакатларда тутқунликда сақланган. Европада Африка туяқушлари XIII асргача номаълум бўлган. Бу пайтларда рыцарларда бош кийимни туяқуш парлари билан безатиш урф бўлган. XIX аср бошига келиб туяқуш парларига бўлган катта талаб Африка туяқушлари сонининг уларнинг табиий яшаш шароитда кескин камайиб кетишига сабаб бўлди [1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жанубий Африкада биринчи тижорат туяқушлар фермаси 1838-йилда пайдо бўлди ва 60-йилларда бундай хўжаликлар сони янада кўпайди. Туяқушчилик мутлақо тез суратлар билан ривожланди. Агар 1865-йилда Жанубий Африкадаги фермаларда ҳаммаси бўлиб 80 та Африка туяқушлари мавжуд бўлса, 30 йилдан кейин эса уларнинг сони 253463 тага етган. Туяқушлар фақат парларини олиш учун боқилар эди, бунда патлар юлиб олинмаган, ғозларники каби терига яқин жойдан қирқилган. Туяқушлар парлари бу мамлакатдан экспорт қилинадиган олтин, олмос ва жундан кейин тўртинчи ўринда турган. Ҳар 6-8 ойдан туяқушлар парларини йиғиб олган фермерлар катта фойда кўрганлар. Борган сари бу тажриба бошқа мамлакаларга ҳам тарқалди ва туяқуш фермалари Кения, Миср, Алжир, Италия, Австралия, Янги Зеландия, АҚШ, Аргентинада пайдо бўлган[1,2].

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

1910-йилда Жанубий Африкадан туяқуш парларини экспорт қилиш 370 минг кг.га етган. 1913-йилда тижорат фермаларида боқилаётган туяқушларнинг умумий сони 1 млн. бошга етган. Бироқ кейинги жаҳон урушларига боғлиқ холда туяқушлар парлари билан савдо бузилган ва бундан хўжаликлар сони кескин камайган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01133

1986-йилда Жанубий Африкадан фақат АҚШга экспорт қилинган туяқуш парларининг сони 90 минг тани ташкил қилди.

Ҳозирги кунда туяқушларни етиштиришга қишлоқ хўжалигидаги энг самарадор бизнеслардан бири сифатида қаралади. Бу туяқушлардан олинадиган маҳсулотларнинг катта турли-туманлиги ва ўзига хослиги билан ҳам, шунингдек жалб қилинган маблағнинг юқори даражада турғун айланмаси билан ҳам тушунтирилади. Туяқушлар гўштини етиштириш анъанавий чорвачилик олдида бир қатор афзалликларга эга бўлиб, бу Европа, АҚШ ва Канада чорвачилик фермаларининг бу қушларни боқишга ўтишларига олиб келди.

Ҳозириги вақтда Европа мамлакатларида умумий сони 9 минг бош зотдор туяқушларни ўзида жамлаган тахминан 600 та туяқуш фермалари мавжуд. Туяқушлар гўштини ишлаб чиқариш ҳажми зотдор туяқушларга бўлган талабнинг катталиги сабабли камроқ ҳолда қолмоқда. Тухум қиладиган урғочи туяқушнинг, шу жумладан, Франциядаги нархи 7,5 минг долларга тенг[2,3].

Кейинги пайтларда туяқушларнинг катта партияси Жанубий Африкадан Бельгияга экспорт қилинди, бу ерда бу қушни тижорат мақсадалрида етиштириш кенг амалиётга киритилган. Худди шундай хўжаликлар Лотин Америкасида ҳам мавжуд. Шимолий яримшардаги энг йирик бўлган Майк Гревенбрукнинг туяқуш фермаси 1981-йилдан бери Исроилда фаолият кўрсатади. Бу ерда 600 г дан ортиқ бўлган майдонда 400 бош урғочи ва 200 бош эркак туяқушлар жўжалари билан боқилади. Ферма бу қушнинг гўштини Швецарияга, Францияга, Германияга, Нидерданияга, парларини – Бельгия, АҚШ, Филиппинга, инкубация тухумларини эса – АҚШга экспорт килади, у ерда Огайо штатида тижорат ферма хўжаликларига кўмаклашиш мақсадларида туяқушларни кўпайтириш ва ўрганиш бўйича йирик марказ ташкил қилинмоқда.

1892-йилда рус акклимитизация жамияти аъзоси немис барони Фридрих Эдуардович Фальц-Фейн томонидан Африка туяқушлари биринчи марта ўзининг Украинадаги Аскания-Новага олиб келтирилган эди. Бу ерда Сомали кичик туридаги туяқушларнинг бир нечтаси боқилган. Бу бизнинг мамлакатимизда Африқа туяқушларини тутқинликда боқиш бўйича биринчи тажрибалар эди. Фальц-Фейннинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01133

фаолияти тижорат характеридаги мақсадларини кўзламаган. Европа ҳайвонот боғларига тақлид қилиб, у ўзининг чўлдаги ҳудудида ўзига хос табиат бурчаги ташкил қилган бўлиб, у кейинчалик хозирги кунгача яшнаётган қўриқхонага айланган. У ерда Африка туяқушлари ярим тутқунликда 100 гектар ер майдонида боқилади.

Бир неча йил олдин Россия ва МДҲ мамлакатларида туяқушларни тижорат мақсадларида етиштириш билан шуғулланна бошладилар. Краснодар ўлкаси, Волгоград вилоятида, Молдова, Грузияда, Балтия мамлакатларида, Украинада туяқушларни етиштиришга уринишлар бўлмоқда[1].

ХУЛОСА

Ўзбекистонда Африка қора туяқушлари Тошкент, Фарғона, Хоразм, Гулистон, Бухоро вилоятларида боқилмоқда. Айни дамда Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги “Ибрат-Рўзмат” фермер хўжалигида Африка қора туяқушлари парвариш қилинмоқда. Ҳозирги кунда бу фермада 8 бош вояга етган Африка қора туяқушлари мавжуд бўлиб, уларни ферма шароитида кўпайтириш орқали аҳолини эҳтиёжларини таъминлаш мақсад қилинган.

REFERENCES

1. Бондаренко.2003. Разведение и выращивание страусов / М. 15-81.
2. В.В. Спицин, В.А. Остапенко, Т.А. Вершинина. 2014. БЕСКИЛЕВЫЕ ПТИЦЫ В ЗООПАРКАХ И ПИТОМНИКАХ. Научно-методическое пособие**.** М. 10-233.
3. Dr M.M. Shanawany, Dr John Dingle. 1999. Ostrich production system. Rome. 20-264.